

Аллоҳ таолонинг Китоби йўлида қилинган мислсиз хизмат



Аллоҳ таолонинг Китоби йўлида қилинган мислсиз хизмат

Тарих

15:02 / 28 сентябрь 1466

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳунинг даврларида ташқи жабҳаларда олиб борилган ишлар жуда ҳам кўп. Фатҳлар ҳақидаги китобларда улар хусусидаги маълумотлар тўлиб ётибди. Биз эса ички жабҳада олиб борилган аҳамиятли ишлардан баъзиларини эслаб ўтишни лозим деб топдик.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу халифаликлари давомида ўзларидан аввалги халифаларнинг ишларини давом эттириб, мусулмонлар оммаси учун фойдали бўлган катта ишларни амалга оширишда ижтиҳодлар қилдилар. Келинг, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг ижтиҳодлари ила у зот томонларидан жорий қилинган, мусулмон умматига катта фойдалар келтирган баъзи ишларни эслаб ўтайлик.

Вақт ўтиши билан Ислому жамиятининг чегараси кенгайиб, кўплаб халқлар мусулмонликни қабул қила бошладилар. Мусулмонларнинг сони кўпайгач, Қуръонни ўқишда турли келишмовчиликлар чиқа бошлади. Орада катта фитна чиқиш хавфи туғилди. Бу хавфни биринчи бўлиб Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳу англаб етдилар. У киши халифани бундан огоҳ қилиб, фитнанинг олдини олиш учун чора кўришни таклиф қилдилар. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу чора кўришга киришдилар.

Бу ҳақда имом Бухорий «Саҳиҳ»ларида Ибн Шихобдан, у киши Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан қилган қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Ҳузайфа ибн Ямон Усмоннинг олдига келди. У Шом аҳли билан Арманистон фатҳида, Ироқ аҳли билан Озарбайжон фатҳида урушда эди. Ҳузайфани уларнинг қироатдаги ихтилофлари қўрқувга солган эди. Ҳузайфа Усмонга: «Бу умматнинг Китоб тўғрисида насоро ва яҳудларнинг ихтилофига ўхшаш ихтилоф қилишининг олдини олинг!» деди.

Шунда Усмон Ҳафсага одам юбориб: «Бизга саҳифаларни бериб тур, ундан мусҳафларга нусха кўчириб олайлик, кейин уларни ўзингга қайтариб берамиз», дедилар.

Ҳафса уларни Усмонга юборди. У Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саъид ибн Ос ва Абдурраҳмон ибн Ҳорис ибн Ҳишомларга амр қилди. Улар мусҳафларга нусха кўчирдилар. Усмон қурайшлик учлик гуруҳига: «Агар сизлар Қуръоннинг бирор нарчасида Зайд ибн Собит ила ихтилоф қилиб қолсангиз, ўшани Қурайш тилида ёзинглар, чунки у уларнинг тилида нозил бўлган», деди.

Улар амрни бажо келтириб, саҳифалардан мусҳафларга нусхалар кўчирдилар. Усмон саҳифаларни Ҳафсага қайтариб берди. Улар нусха олганларидан кейин ҳар томонга биттадан мусҳаф юборилди. Ундан бошқа саҳифаларда ва мусҳафда Қуръондан бўлса, куйдириб юборишга амр қилди».

Халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг бу ишларини барча Ислом уммати катта қувонч ва қўллаб-қувватлаш билан кутиб олдилар. Унга катта ғайрат билан амал қилишга киришдилар.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу марказларга биттадан мусҳаф юбориш билан кифояланмадилар. Ҳар бир мусҳаф билан бирга уни одамларга ўқитадиган қорини ҳам юбордилар.

Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳуни Мадина мусҳафига, Абдуллоҳ ибн Соибни Макка мусҳафига, Муғийра ибн Шихобни Шом мусҳафига, Абу Абдурраҳмон Суламийни Куфа мусҳафига ва Омир ибн Қайсни Басра мусҳафига қори этиб тайинладилар.

Шундай қилиб, Аллоҳ таолонинг Китоби йўлида мислсиз хизмат қилинди. Ҳозирги ҳар бир Қуръон нусхасига «Бу нусха Усмон нусхасига мувофиқдир» деб ёзиб қўйилишининг ўзи ҳам бу ишда ҳазрати Усмон ибн Аффон

розияллоҳу анҳунинг тутган ўринлари қанчалик буюк эканини кўрсатади.

«Ислom тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.